



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 130 (12.441)

Баҳоси эркин нарҳда

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов 2 июль куни Оқсаройда
Корея Республикаси хавфсизлик ва давлат
бошқаруви вазири
Ю Чон Бокни қабул қилди.**

Мамлакатимиз раҳбари учрашув аввалида ушбу ташриф Жанубий Корея раҳбарияти Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш тарафдори эканиниг яна бир ёрқин белгиси эканини таъкидлади.

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётига сармоя киритиш бўйича етакчи давлатлардан бири бўлган Корея Республикаси Осиё-Тинч океани минтақасида Ўзбекистоннинг энг йирик савдо шеригидир. 2012 йил якунларига кўра, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 31 фоиз ортиб, 2,1 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Жанубий Кореянинг Ўзбекистон иқтисодиётига киритган сармояси микдори эса 6 миллиард доллардан ошди.

Юртимизда корейлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда ташкил этилган 401 корхона, Корея Республикасидаги 88 йирик компаниянинг ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда.

Кейинги йилларда ахборот-коммуникация технологиялари ҳамкорлигининг устувор йўналишига айланди. Президент Ислом Каримовнинг 2012 йил сентябрь ойида Корея Республикасига давлат ташрифи чоғида ахборотлаштириш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида ўзаро англашув меморандуми имзоланди. Жанубий Корея АКТ соҳасида ҳамда «электрон ҳукумат» тизимини жорий этиш борасида етакчилардан саналади. Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш, тақдим этилаётган интерактив давлат хизматлари сонини ошириш, рақамли телевидение жорий қилиш борасида юксак натижаларни кўлга киритмоқда.

Айни пайтда Ўзбекистон ахборот-коммуникация тизимини комплекс ривожлантириш бўйича 2013-2020 йилларга мўлжалланган ҳукумат дастури қабул қилинган бўлиб, унда аҳоли учун давлат органлари билан электрон шаклда мулоқот қилиш имкониятини яратиш, давлат бошқаруви тизимида «ягона ойна» тизимини жорий этиш каби кўплаб мақсадлар белгиланган. Бу йўналишда зарур дастурий маҳсулотлар ва ахборот тизимлари ишлаб чиқадиغان қўшма корхоналар ташкил этиш, давлат бошқарув органлари ходимлари малакасини ошириш бўйича ҳамкорлик айниқса муҳим аҳамият касб этади.

Оқсаройдаги суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Жанубий Кореянинг АКТ соҳасидаги муносабатларига оид бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Ю Чон Бок самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, Корея Республикаси, хусусан, Хавфсизлик ва давлат бошқаруви вазирлиги Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли бўлган барча соҳаларда узоқ муддатли ҳамкорликни ривожлантириш тарафдори эканини таъкидлади. (ЎЗА)

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Танловлар

ҒОЛИБЛАР САФИДА — ЭНГ МУНОСИБЛАР

Даволаш-профилактика муассасаларида меҳнат қилаётган ёш ҳамшираларнинг ташаббусларини кўллаб-қувватлаш, уларнинг тиббий жиҳатдан саводхонлигини ошириш, билимларини янада чуқурлаштиришга кўмаклашиш, миллий тиббиёт сирлари ва тарихини мукамал ўрганишлари учун шароит яратиш мақсадида, ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда «Ҳамшира» кўрик-танлови мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда.

Куни кеча «Туркистон» саройида ушбу кўрик-танловнинг республика босқичи бўлиб ўтди. Танловда республикамиз вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳридан 14 нафар энг билимдон, зукко ва чаққон қизлар билим ва маҳоратларини намойиш этдилар.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар тиббиётнинг барча бўғинлари қатори ҳамширалик ишини янада ривожлантириш, ушбу йўналишда малакали етук кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришда муҳим восита бўлмоқда.

Иштирокчиларнинг малакалари амалий, назарий ва эркин мавзудаги бешта шарт бўйича ўн ва беш баллик мезон асосида ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳолаб борилди.

Қизиқarli, сермазмун ва ҳаяжонли дақиқаларга бой тарзда ўтказилган тадбир байрам тантанасига айланиб кетди. Ўзбекистон халқ артисти

Озодбек Назарбеков, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Собиржон Мўминов, Алишер Файз, иқтидорли санъаткорлар Дилноза Исмиёминова, Валижон Шамшиев, Дилноза Кубаева ва бошқалар ўзларининг дилрабо куй-қўшиқлари билан танловнинг мазмунли чиқишини таъминлаб бердилар. (Давоми 2-бетда)

УМУМИЙ ЎРТА ВА ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИНИНГ МАЖБУРИЙЛИГИ – БАРКАМОЛ ЁШ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИДИР

**Юртимизнинг истиқлол йилларида босиб ўтган тараққиёт йўлига назар ташласак, республикамиз
Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида миллий таълим тизимини мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш,
ёшларнинг ҳар томонлама етук, соғлом ва баркамол бўлиб улғайиши учун барча шарт-шароитни яратишга
йўналтирилган улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётганлиги яққол намоён бўлади.**

Мустақиллик эълон қилинган дастлабки даврдан Ўзбекистонда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, хусусан, шахс ҳуқуқининг ажралмас таркибий қисми саналган болалар ҳуқуқини таъминлаш давлат сиёсати даражасидаги устувор вазифалардан бири сифатида белгиланди. Тарихан қисқа даврда мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялаш соҳасида улкан муваффақиятларга эришилмоқда ва бу дунё ҳам-жамияти томонидан муносиб баҳоланмоқда.

Мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, «Ниманики ўз олдимизга мақсад қилиб қўймайлик, қандай буюк ишларни амалга оширишга интилайлик, барча олижаноб ҳаракатларимизнинг негизига, барча эзгу ниятларимизнинг замирида фарзандларимизни ҳам жисмонан, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саноати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси мужассамдир».

Ўз-ўзидан аёнки, эски тузум даврида узоқ йиллар давомида вужудга келган эски таълим тизимини тубдан қайта қурмасдан ва ислох этмасдан туриб, бу мақсадга эришиб бўлмасди. Айнан шундай эзгу мақсадни рўйбга чиқариш учун давлатимизда ёшларимизнинг истиқболлини таъминлайдиган барча ташкилий-ҳуқуқий чоралар амалга оширилди, муҳим қонуний қабул қилинди, давлат дастурлари ҳаётга татбиқ этилди.

Жумладан, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларининг қонуний асосини ташкил қилувчи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасида ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эгалиги, бепул умумий таълим олиш давлат томонидан қоплатилиши ва мактаб ишлари давлат назоратида бўлиши белгиланган бўлибди.

Мамлакатимизнинг таълим тизимини изчиллик билан ислох қилиш ва бу соҳадаги давлат сиёсатини мустаҳкамлаш борасида 1997 йил 29 августда қабул қилинган «Кадрлар тайёрлаш миллий

дастури тўғрисида»ги ва «Таълим тўғрисида»ги Қонунлари тарихий қадам бўлди. Мазкур Қонуннинг 3-моддасида таълим соҳасида давлат сиёсатининг асосий принциплари, хусусан, таълимнинг узлуқсизлиги ва изчиллиги, шунингдек, умумий ўрта ва ўрта-махсус касб-ҳунар таълимининг мажбурийлиги белгиланди.

Давлатимиз раҳбарининг узоқ ва давомли мақсадларни кўзда тутадиган концептуал ғоялари асосида ишлаб чиқилган Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури ижросини таъминлаш жараёнида, 9 йиллик умумтаълим мактаб босқичини ва 3 йиллик ўрта махсус, касб-ҳунар таълим босқичини ўз ичига олган, мамлакатимизнинг ривожланиб бораётган ижтимоий-иқтисодий инфратузилмасини юқори малакали кадрлар билан таъминлашнинг узлуқсиз таълим тизими яратилди. Шу асосда юртимизда 12 йиллик умумий мажбурий бепул таълим тизими жорий этилди.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Андижонда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, Норин-Қорадарё ирригация тизимлари ҳавзаси бошқармаси ҳамкорлигида ғўза майдонларини сифатли суғоришни тизимли ташкил этиш ва сувни тежайдиган технологияларни қўллаш мавзусида семинар бўлиб ўтди. Қишлоқ ва сув ҳўжалиги соҳаси мутахассислари, олимлар, фермер ҳўжаликларини раҳбарлари иштирок этган мазкур семинарда ғўза ва бошқа экинларни суғоришда тежамкор технологиялардан самарали фойдаланиш, бу борадаги ишларни сифат жиҳатдан юқори босқичга кўтариш масалалари хусусида сўз юритилди.

• Навоий шаҳрида «Қамолот» ЁИХ томонидан ўтказиб келинаётган «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг вилоят босқичи якунланди. Унда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва умумий ўрта таълим муассасалари бошланғич ташкилотларининг 13 нафар иштирокчиси кейинги босқич учун йўлланмани қўлга киритди.

• Самарқандда «Меҳр нури» ҳамда «Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролар форуми», хотин-қизлар кўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамда «Келажак овози» ЁТМ вилоят бўлиmlари билан ҳамкорликда «Жойларда аёллар тадбиркорлигининг ривожланиш истиқболлари» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

• Республика Болалар кутубхонасида мактаб ўқувчилари ўртасида «Ўзбекистоннинг етти мўъжизаси» шиори остида ижодий ишлар танлови ўтказилди. Халқ таълими вазирлиги ҳамда «Қамолот» ЁИХ ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур ижодий кўрикда умумтаълим мактабларининг беш минг нафарга яқин ўқувчиси ишшо, фотоальбом, видеолавҳа ва расм йўналиши бўйича иштирок этди.

• Пахтакор туманидаги «Нафис нусха барокат» масъулиятли чекланган жамияти томонидан Хитойдан келтирилган, йилига 1,2 миллиард сўмлик трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга дастгоҳлар ўрнатилган тикувчилик корхонасининг ишга туширилиши натижасида 40 нафарга яқин хотин-қиз учун иш ўринлари яратилди.

ЖАҲОНДА

• Хитойнинг Сичуань музофотидаги Чэнду шаҳрида «Янги асрнинг глобал маркази» деб номланган дунёдаги энг баланд мажмуа фойдаланишга топширилди. Ушбу иншоотнинг эни 400 метр, баландлиги 100 метр, эгаллаб турган майдони эса 1,76 миллион квадрат метрга тенг бўлиб, унда офислар, савдо дўконлари, иккита беш юлдузли меҳмонхона, замонавий санъат маркази, турли тадбирлар ўтказиладиган заллар, 14 та замонавий кинотеатр, аквабог ва бошқа кўнгилочар масканлар фаолият юритмоқда.

• Буюк Британия ғойидаги Уэст-Мидлендс графлигида жойлашган пластмасса қайта ишлаш заводи омборида кучли ёнгин чиқиб, 10 минг тоннадан ортиқ пластмасса ёниб кетди. Жиловлаш қийин бўлган ушбу кучли ёнгининг бартараф этишга 200 нафардан ортиқ ўт ўчирувчилар жалб этилган бўлиб, улардан бир нечаси жароҳатланди.

• Хоҳловчилар учун Марс сайёрасида яшашларига имкон яратиши тўғрисида бундан бир ой олдин эълон берган Голландиянинг Mars One компаниясининг сайтида қисқа муддат ичида 120 та мамлакатдан салкам 80 мингга яқин кишилар рўйхатга олинди. Режага кўра Марсда доимий равишда яшашни хоҳловчиларнинг дастлабкилари Қизил сайёрага 2023 йилда қўчирилиши мумкин. Ушбу сайёрага парвоз етти ойдан иборат бўлади. Лойиҳанинг дастлабки қиймати 6 миллиард долларга баҳоланмоқда. Лойиҳа ташкилотчиларнинг таъкидлашларича 2013 йил 31 августга келиб Марсда истиқомат қилиш ишқибозлари сони 500 минг кишидан кам бўлмайди.

ҚИСКА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** Олмазор туманида жойлашган «ОНИКС» ОАЖга қарашли «Нурафшон» болалар

соғломлаштириш оромгоҳида «Давлатимиз рамзлари – муқаддас тимсоллар» мавзусида маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди.

✓ **КЕЧА** «Астробод» тантаналар уйида «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» танловининг Бектемир туман босқичи ўтказилди.

✓ **«CITY PALACE»** меҳмонхонасида «Кўркем либослар – кўркемиз» йўналишида Юнусобод тумани бўйича миллий либослар кўргазмаси бўлиб ўтди.

(Давоми. Боши 1-бетда)

Таъкидлаш кераки, таълим тизими ислох қилиниши билан бирга таълим муассасаларининг моддий-техника базаси ҳам ҳар томонлама мустаҳкамланмоқда. Амалга оширилган кенг қўламли чора-тадбирлар туфайли республикада 1549 та замонавий таълим муассасалари, шундан 1406 та касб-хунар коллежи ва 143 та академик лицей барпо этилди. Мазкур таълим муассасаларида мутахассислар тайёрлаш учун барча зарур шароитлар яратилган.

Жумладан, жиҳозланган компьютер синфлари, кутубхоналар, спорт заллари, секциялар, зарур бўлган инвентарь билан таъминланган ётоқхоналар, ошхоналар ўқувчилар ихтиёрига топширилган. Яратилган бундай шароитларнинг барчаси ўқувчиларнинг танланган йўналиш бўйича бир ёки бир нечта замонавий мутахассислик олишга қаратилган касбга оид чуқур билим олишларига замин бўлиб хизмат қилмоқда.

Дарҳақиқат, айнан касб-хунар коллежлари битирувчиларининг кўпчилиги қисми республикада фаолият кўрсатаётган замонавий илғор технологияларга асосланган корхоналарда меҳнат қилиб, жаҳон бозорида рақобатбардош ҳисобланган маҳсулотларни ишлаб чиқариш жараёнининг фаол иштирокчилари айланганлар. Масалан, GM-Uzbekistan ёпиқ акциядорлик жамиятида ишлаётган 7956 нафар ишчи-хизматчининг 2877 нафарини ёки 36,1 фоизини касб-хунар коллежлари битирувчилари ташкил қилади. Ёки, «Ўзбекнефтсаноат» компанияси тизимидаги корхоналарда 15 минг нафардан ортиқ, «Ўзбекнефтгаз» компани-

яси тизимидаги корхоналарда 2 минг нафардан ортиқ касб-хунар коллежлари битирувчилари хизмат қилмоқдалар. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Шунингдек, умумтаълим тизимидаги ислохотлар, таълимнинг замонавий илғор услубларининг кенг жорий қилиниши, таълим-тарбияга бўлган эътиборнинг тубдан яхшиланиши ўзининг самарасини бермоқда. Ўқувчиларнинг фанларни ўзлаштириш даражаси ва дунёқараши кенгайиб, улар халқаро фан олимпиадалари, интеллектуал беллашувлар, кўрик-танловларда қўлга киритаётган ютуқлари билан Ўзбекистон довуғини дунёга таратмоқдалар.

Охиригича, икки йил давомида 33 нафар ўғил-қизимиз жаҳон миқёсида ўтказилган фан олимпиадалари ва мусобақаларда ўзининг чуқур билими, интеллектуал салоҳияти, теран фикрлари ва ўқитиш тафаккури билан ғолиблар шохсупасидан ўрин эгаллаганини, мамлакат таъдирига бефарқ бўлмаган ҳар бир инсон қалбига чуқур ғурур ва ифтихор туйғусини бахш этди.

Ёшларни соғлом турмуш тарзи асосида тарбиялаш, оммавий спортни ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси таъсис этилди. Ўрта миқёсининг барча ҳудудларида, ҳатто олис қишлоқларимизда ҳам спорт анжомлари билан жиҳозланган замонавий спорт мажмуалари, муҳташам спорт саройлари, стадионлар, жисмоний тарбияга ихтисослашган мактаблар барпо этилди. Ўқувчи ва талабаларнинг уч босқичли «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» республика мусобақалари мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда.

Энг муҳими, миқёси ва қўламига кўра бениҳоя улкан бўлган бу ишларнинг барчаси ўзининг салмоқли натижаларини бермоқда. Кейинги икки йилда ёшлар ўртасида ўтказилган Жаҳон ва Осиё чемпионатларида ҳамда бошқа йирик халқаро беллашувларда 490 нафар ёш спортчиларимиз совринли ўринларни эгаллаган бўлса, уларнинг 132 нафари барча рақибларини доғда қолдириб, шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилдилар ва Ўзбекистон мадҳиясини дунё майдонларида баланд янграйиш бахтига муяссар бўлдилар.

Узлуксиз таълим тизимининг яратилиши ва таълим сифатининг тубдан яхшиланиши вояга етмаганларнинг билим олишга ва касб-хунар ўрганишга бўлган қизиқишларини янада ошириб, бу эса ўз навбатида уларнинг бандлигини таъминлаб, вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликни кескин қисқартиришга эришишга имкон берди. Хусусан, 2012 йилда 2000 йилга нисбатан вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик 30,5 фоизга камайган.

Болалар, жумладан, ўқувчилар орасида жиноятчиликнинг камайиши қувонарли ҳол, албатта. Шу билан бирга вояга етмаганларга нисбатан етарли назорат бўлмагани оқибатида уларнинг ўқув муассасаларига бормаслиги ҳолатлари мавжудлиги ташвишга солиши тибий. Жумладан, 2012-2013 ўқув йилида 5 минг нафардан ортиқ ўқувчилар бирон-бир узрли сабабсиз сурункали равишда касб-хунар коллежлари ва академик лицейларга ўқишга келмаган. Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар ва прокуратура органлари томонидан кўрилган ҳуқуқий чоралар натижасида улардан аксарият қисми таълим муассасаларига қайтарилди.

Ўтказилган назорат тадбирларида умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари масъул ходимлари томонидан машғулотларга сабабсиз келмаётган ёки мунтазам равишда қатнашмаётган ўқувчиларни аниқлаш, ҳисобини юритиш ва таълимга жалб қилиш ишлари тўғрисида қўйилмаганлиги аниқланди.

Масалан, Мирзо Улуғбек туманидаги 27-сонли умумтаълим мактаби директори Е.Заирова ва директор ўринбосари М.Ражаповалар ўзaro жиноий тил бириктириб, 2009 йилда Бельгия давлатига кетган 5-синф ўқувчиси Д.Боймама-товани тўрт йил давомида дарсларга қатнашганлиги ва билими баҳоланганлиги ҳақида журналга ёзувлар киритиб, синфдан-синфга ўтказиб келганликлари учун жиноий жавобгарликка тортилдилар.

Давлат томонидан болаларимизнинг келажагини ўйлаб, қанчадан-қанча сарф-харажат эвазига 12 йиллик бепул ўқишни ташкил қилиб, замонавий технологияларга асосланган, жаҳон илғор таълим стандартларига мос, билим олиш учун шароитлар яратиб берилса-ю, бола қоллежга бормаса, қани бу ерда тартиб-интизом, қани масъулият. Нима учун жойларда ҳокимликлар, ўзини-ўзи бошқариш органлари, профилактика инспекторлари, жамоатчилик, қолаверса бола тарбияси учун бевосита жавобгар бўлган ота-оналар ва бошқа масъул шахслар бепарволарча қўл қовуштириб ўтирибди? Бундай бепарволик жиноят эмасми?

Ваҳоланки, мамлакатимиз қонунчилигида 12 йиллик таълим умуммажбурий эканлиги белгилаб қўйилган бўлиб, қонуннинг мазкур талаби ижросини қатъий таъминлаш барчамизнинг бурчидир. Афсуски, баъзи ота-оналар ва мансабдорлар ўзларига юклатилган вазифаларига нисбатан бундай масъулиятсизлик учун жавобгарлигининг мавжудлигини унутиб қўйганлар. Бу соҳада прокурор назоратини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилиб, ўтган йилда ва жорий

зимки шундай номақбул гуруҳларга кириб қолиб, турли хил жиноятлар, шу жумладан оғир жиноятларга қўл ураётган вояга етмаган болалар борлиги, уларнинг таълим-тарбиясидаги нуқсонлардан далолат беради. Бу ҳақда ота-оналар, ўқитувчилар, синф раҳбарлари, таълим муассасаларининг мансабдор шахслари, қўйингки барчамиз чуқур ўйлаб, тегишли хулоса чиқаришимиз ва бундай ҳолатларнинг олдини олиш чораларини кўришимиз керак.

Шу ўринда яна бир долзарб масалага алоҳида тўхталиш лозим. Касб-хунар коллежларини тамомлаган фарзандларимизнинг мутахассислиги бўйича иш билан таъминланиши, уларнинг келажақ ҳаётида ўз ўрнини эгаллашларида муҳим аҳамиятга эга. Шу боис касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, тегишли мутахассисликлар бўйича янги иш ўринлари ташкил қилинмоқда.

Аммо, назорат тадбирларида аниқланишича, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш борасидаги ишлар талаб даражасида ташкил этилмагани, бу жараёнда ҳисоботларга қўшиб ёзиш, тугатилган ёки фаолият юритмаётган корхоналар билан сохта шартномалар тузиш, битирувчилар ҳали ишга чиқиб улгурмасидан шартномаларни бекор қилиш каби ҳолатлар мавжуд. Бундай қонунбузишларга йўл қўйган мансабдор шахслардан 2300 нафардан ортиги интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилдилар, 74 та ҳолат бўйича эса жиноят иши қўзғатилди.

Ёшларни узлуксиз мажбурий таълим билан қамраб олинишга салбий таъсир ўтказадиган муаммолар ҳолатлардан яна бири ўқувчи қизларни, шу жумладан никоҳ ёшига тўлмаганларнинг эрга бериб юборилишидир. Олиб борилаётган тушунтириш ишларига қарамасдан, 2012-2013 ўқув йилида лицей ва коллежларда таълим олаётган 2114 нафар қизлар ота-оналари томонидан эрга бериб юборилган, оқибатда улардан 944 таси ўқув машғулотида умуман қатнашмай қўйган.

Ушбу ҳолатлар юзасидан никоҳга киришган шахсларнинг, шунингдек, бунга йўл қўйган ота-оналар, таълим, диний муассаса ходимларининг жавобгарлик масаласи ҳал қилинмоқда. Лекин, кўрилган чоралар ўзининг етарли самарасини бермаётганлиги сабабли бундай салбий иллатга нисбатан қатъиятчилик ва талабчанликни кучайтиришимиз керак. Шу ўринда алоҳида айтиш кераки, никоҳ ёши тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузганлик, яъни никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳга киришиш, уни эрга бериш ёки уйлантириш, шунингдек, никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ тузишга доир диний маросимни амалга ошириш учун жавобгарлиқни белгилловчи нормалар Оила Кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва Жиноят кодексларида киритилди. Бу ўзгаришлар ҳам шу каби ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Қонунлар қабул қилинган. Лекин, бу қонунлар ҳақида жойларда барча фуқароларимиз тўлиқ билмаслиги ҳам мумкин. Шу сабабли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, ҳокимликлар ва тегишли жамоат ташкилотлари жойларда халқ орасида қонунларни, уларга киритилган ўзгаришларни ва ўзгаришларни тарғиб қилиш, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида айнан шу мавзуда тадбирлар ўтказиш орқали тушунтириш ишларини доимий равишда олиб боришлар керак. Фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятининг ошиши бундай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш имконини беради.

Ҳар томонлама интеллектуал ва жисмонан ривожланган юксак ақл заковатли, баркамол авлодни тарбиялашдек устувор вазифанинг нақадар муҳим эканлигини ҳар биримиз чуқур тушунишимиз, барча сазой-ҳаракатларимизни бундай муҳим соҳадаги қонунчилик талабларининг тўлиқ ижросини таъминлашга, шунингдек, мансаб суиистеъмолчилиги, порахўрлик, фибрибарлик ва бошқа жиноий фаолиятни истисно қиладиган соғлом муҳит яратишга йўналтиришимиз зарур.

Ёш авлод тарбиясида ҳар доимо энг долзарб ва устувор вазифа сифатида эътибор қаратиб келаётган муҳтарам Президентимиз Ислам Каримовнинг «Барчангиз яхши биласизки, келажақ авлод ҳақида қайғуриш, соғлом, баркамол наслини тарбиялаб етиштиришга интилиш бизнинг миллий хусусиятимиздир. Бу муқаддас заминда яшаётган ҳар қайси инсон ўз фарзандининг бахту саодати, фазлу қамоллини кўриш учун бутун ҳаёти давомида курашади, меҳнат қилади, ўзини аямийди», деган фикрлари халқимизга хос юксак инсоний фазилатларнинг эътирофи бўлиши билан бирга, барчамизни шу борада янада фаол иш олиб боришга даъват этади.

Дарҳақиқат, халқимизга хос ана шу олий қадрият ҳар доим бизларни ёшлар таълим-тарбиясига ҳаёт-мамонт масаласи сифатида эътибор қаратишга чорлаши шарт. Эеро, ёш авлоднинг жисмонан соғлом, ақлан етук ва маънан баркамол бўлиб вояга етиши учун барча давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари, она юрт келажагига бефарқ бўлмаган ҳар бир соғлом фикрли фуқаро масъулдир.

Истагимиз шунки, бу эзгу ният ҳар бир юртдошимизнинг юксак инсоний ва фуқаролик бурчига айлانسин.

Рашидхон КОДИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Бош прокурори

ҒОЛИБЛАР САФИДА — ЭНГ МУНОСИБЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Президентимизнинг «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самардорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги турли мавзуларда анжуманлар, тадбирлар ўтказиб келмоқда, — дейди Республика шовилинч тиббий ёрдам илмий марказининг даволаш ишлари бўйича директор ўринбосари, ҳакамлар ҳайъати аъзоси Елена Борисова. — Бугунги кунда мамлакатимизда 300 минг нафардан ортиқ ўрта тиббий ходимлар фаолият кўрсатмоқда. Улар даволаш-профилактика муассасаларида бош, катта ва етакчи ҳамширалар сифатида иш юритмоқда. Бугунги танлов бизга энг билимдон, зийрак, изланувчан ва интилувчан қизларимизни аниқлаб беради. Умид қиламизки, улар келажақда ўз билимларини янада мустаҳкамлаб, инсонлар саломатлигини асраб-авайлашда сифатидан меҳнат қиладилар.

Дарҳақиқат, 1999 йилдан бери анъанавий равишда ўтказиб келинаётган танлов ўтган вақт ичида кўплаб иқтидорли қизларни кашф қилди. Таъкидлаш жоизки, аҳоли соғлигини сақлаш, касалликларнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, бирламчи тиббий-санитария ёрдам кўрсатишда ҳамшираларнинг фаолияти муҳим аҳамиятга эга.

Энди бевосита тадбир хусусида тўхталандим бўлсак, якуний натижаларга кўра «Ҳамшира — 2013» республика кўрик-танловида биринчи ўрин шахримиздаги 5-сонли клиник шифохонанинг хирургия бўлими ҳамшираси Дилноза Абдиевага насиб этди.

Дилноза Абдиева Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан «Матиз» русумидаги автомашина билан тақдирланди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Тошкент Тиббиёт академиясининг хоҳлаган факультетига имтиёзли равишда ўқишга кириш имконига ҳам мушарраф бўлди.

Иккинчи ва учинчи ўринни эгаллаган қизлар ҳам Тошкент Тиббиёт академиясининг «Олий ҳамширалик иши» бўлимига имтиёзли равишда ўқишга қабул қилинадилар.

— Мен жуда ҳаяжондаман, — дейди «Ҳамшира — 2013» республика кўрик-танловининг ғолиби Дилноза Абдиева. — Ростини айтсам, танловда ғолиб бўлишни жудаям истаганман ва бунга астойдил ҳаракат қилганман. Бир нарсига амин бўлдимки, ўрганиш, билимларни мустаҳкамлаб бориш ва касбини севиш албатта ўз самарасини беради. Мен шу ғўзал ва ҳаяжонли дақиқалардан фойдаланиб устозларимга, ҳамкасбларимга, яқинларимга миннатдорчилигини изҳор қиламан. Бу танлов менга янада куч ва шижоат бағишлади, шу билан бирга ўзимга бўлган ишончни мустаҳкамлади.

Танлов сўнггида «Ҳамшира — 2013» кўрик-танлови иштирокчиларига Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Гулчехра ДУРДИЕВА
СУРАТДА: «Ҳамшира — 2013» республика
кўрик-танловидан лавҳа

Ҳамкорлик

МАРКАЗ ФАОЛИЯТИ КЕНГ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ

Ҳиндистон алоқа ва ахборот технологиялари вазирлиги делегацияси бундан бир неча йил муқаддам пойтахтимизда сафарда бўлиб, Тошкент Ахборот технологиялари университети фаолияти билан яқиндан танишган эди.

Жумладан, ушбу жараёнда олий ўқув юрти билан халқаро ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш тадбири қўрилди. Шу тариқа университет ҳузурида Ўзбекистонда ахборот технологиялари марказига асос солинди.

— Ушбу марказнинг ташкил топганига ўн йил бўлди. Марказда қатор ибратли ишлар амалга оширилди, — дейди марказ директори Хуршид Султонов. — Унинг фаолияти икки йўналишда олиб боришмоқда. Шуниси эътиборлики, марказда асосан ҳинд мутахассислари томонидан татбиқ этилган ўқув курслари асосида сабоқ берилмоқда. Эндиликда марказ ўқув курсларини муваффақиятли тамомлаган тингловчиларга университет билан ҳамкорликда маҳаллий сертификат берилмоқда.

«Ахборот технологиялари бўйича мультимедиа интерактив ўргатувчи дастурий мажмуа» ҳам ишлаб чиқилди. «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси бюртмаси билан бизнес режаларни шакллантириш дастурий тизими ишлаб чиқилди. «Компютерни мустақил ўрганиш» қўлланмаси тайёрланди. Ушбу қўлланма компьютер ва интернет технологиялари бўйича фойдаланувчиларнинг билим ва қўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган бўлиб, муҳим манба бўлиб хизмат қилаётди.

Ботир АЛИЕВ

В.Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқали академик лицейда ташкил қилинган ва ҳар ой ўтказиладиган ўзига хос хайрия дастури «Болалар – болаларга» деб аталади.

Мусиқали лицей директори Дилдора ЖАМОЛОВА ушбу хайри қўғанини қандай туғилгани, ривожлангани ва ҳозирги пайтда лицейда амалга оширилаётган ишлар ҳақида қўйидагиларни сўзлаб берди.

— Концерт фаолияти — мусиқа таълимининг мажбурий шартидир. Ўқувчиларимиз республика танловларида ва халқаро танловларда, концертларда иштирок этади, камида йилига икки марта мутахассислик бўйича имтиҳон топширади. Бу бизнинг кундалик фаолиятимиз, болалар ва педагогларнинг ҳар кунлик машаққатли меҳнати самарасидир.

Лицейимизда қўллаб турли-туман концертлар уюштирилади. Масалан, ўтган 2012 йилда 351 та концерт ўтказилди. Жорий йилнинг биринчи ярмида 150 тадан зиёд концертлар уюштирилди. Яъни, деярли ҳар кун республиканинг турли шаҳарларида бизнинг ўқувчиларимиз ўз маҳоратларини намойиш этади.

Аммо «Болалар – болаларга» хайрия акцияси давомида уюштирилган концертларни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. 2005 йилда шундай йўналишдаги биринчи концерт уюштирилди ва унда ўқувчилар симфоник оркестри катнашди. 2012 йилнинг сентябрь ойидан бошлаб бундай концертлар ҳар ойда ўтказилмоқда. Ҳар бир концерт — бу бетакор дастурдир: сахнада классик мусиқа, жаз, кичик ансамблларга мўлжалланган мусиқа ижро этилади. Хуллас, ҳар ойнинг 15 санасида соат 17.00 да ушбу муҳим ишга ўз хиссасини қўшмоқчи бўлган барча инсонларни қўтиб қоламиз. Айтиш кераки, айнан болаларимизнинг ташаббусига кўра, бу йўналишдаги ишлар ривож топмоқда. Шунга ҳам таъкидлаш жоизки, дунёда бунга ўхшаш лойиҳа мавжуд эмас.

— Ёш мусиқачиларнинг ушбу ташаббуси қай тарзда ривожлантирилмоқда?

— Ўқувчилар ва ота-оналар васийлик кенгаши томонидан сотилган чипталардан тушган барча маблағлар гематология ИТИ да доволанаётган болалар учун қимматбаҳо дориларни харид қилишга йўналтирилмоқда. Шу давр ичида биз ҳар бири 250000 сўм турадиган 36 та ампула харид қилдик, уларнинг умумий қиймати 9 миллион сўмни ташкил этади.

Одатда, концертлар иштирокчилари, педагоглар ва ота-оналар ушбу ампулаларни бериш учун гематология ИТИга ўзлари боришади. Биз болаларга дискларни ҳам совға қиламиз, чунки улар концертларга кела олмайдилар, айни пайтда қимдир улар

Биринчидан, ушбу концертлар иштирокчиларининг ҳам, барча тингловчиларининг ҳам маънавий дунёсини бойитади. Иккинчидан, ушбу акция барча ёш иқтидор соҳиблари учун доимий концерт майдончасига айланади. Айни пайтда ҳозирданок сафимизга бошқа коллежлар, лицейлар ўқувчилари, миллий эстрадамиз юлдузлари келиб қўшилди. Яъни, биз ижодий кўчларни хайрли мақсад атрофида бирлаштиришмоқдамиз. Ва учинчидан, акцияда иштирок этган ҳар бир бола бировга ёрдам беришга, ҳамдардликка ўрганади. Бизнинг маблағимиз кўп эмас, аммо биз болаларга меҳр, яхши кайфият улашмоқдамиз. Бемор болалар ўзларига ёрдам беришаётганликларини кўради. Улар ўзларини қаҳрамондек ҳис қилади, чунки маълум маънода улар болаларимизни ижодга, энг яхши фазилатларини намойиш этишга илҳомлантиради. Зеро, акциямизнинг шиори: «Биз биргаликда кучлимиз».

Энди бизнинг лицейимизда иш бошлаган педагоглар ҳақида сўз кетганда, шунинг кўп тақдирларини, улар фидойилик «инъекциясини» қабул қилади. Маълумки, бу жуда чуқур тушунча бўлиб, ўзининг фидо қилиш, бор-куч гайратни аямасликни билдиради. Балки кўп жиҳатдан биз ҳаёлатларимиз, аммо мусиқа олами вакилларига меҳр-шафқат, ўзгалликни қадрлаш, юксак ахлоқий фазилатлар, одамларга яхшилик қилишга интилиш каби хислатлар хосдир. Менинг назаримда бу жуда муҳим аҳамиятга эга инсон омилдир.

Мен ишониманки, ушбу гоя келажақда турли мамлакатлар болаларини бирлаштиради. Бунинг тасдиғи ҳам бор. Жумладан, июль ойида Сеул шаҳридан Pushkin House ўқувчилар оркестрининг иштирокчиси бўлган 40 нафар мусиқачи шаҳримизга меҳмонга келмоқда. Бизнинг Ўқувчилар симфоник оркестри билан биргаликда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Ботир Расулов бошчилигида улар В.Успенский номидаги РИМАЛ нинг катта залида концерт беришади. Бунда жуда қизиқарли концерт дастури намойиш қилинади. Шу тарзда мусиқа ва ижод ёш мусиқачиларни жипслаштиришда ва «Болалар – болаларга» хайрия дастури халқаро даражага чиқмоқда.

Дилшод ИСРОИЛОВ

Хайрли ташаббус

«БОЛАЛАР – БОЛАЛАРГА» ХАЙРИЯ ДАСТУРИ ҚАНОТ ЁЗМОҚДА

учун қилаётган яхшиликларини билиши муҳим аҳамиятга эга.

Тан олиш кераки, бемор болалар билан юзма-юз учрашиш мураккаб синов. Бизнинг ўқувчиларимиз табассум қилиб, улар билан мулоқотга киришади, ўзлари ҳақида сўзлаб беришади, мулоқотни давом эттириш учун телефон рақамлари билан алмаштиришади. Касалхонадан чиққач эса кўпчилик кўз ёшини тия олмайдилар...

Аммо бундай мулоқотлардан сўнг улар навбатдаги концертларга янада кўпроқ куч-ғайрат билан тайёргарлик қилишга киришади. Ва ҳар бир концерт аввалгисидан ёрқин ва қизиқарли чиқади. Ва ҳар гал янги ва бетакор концерт дастури яратилади.

Шунинг асоси кераки, бу акция кенг қирралидир, унинг камида учта муҳим жиҳатини ажратиш мумкин.

«Shodlik Palace» меҳмонхонасида Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази билан ҳамкорликда «Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ОАВнинг ўрни ва ролини ошириш масалалари ва журналист масъулияти» мавзусида ўқув-семинар ташкил этилди.

Семинарда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Матбуот ва ахборот агентлиги, Журналистлар ижодий уюмаси масъул ходимлари ҳамда соҳа мутахассислари, марказий ва ҳудудий журналистлар иштирок этди. Тадбирда соҳа вакиллари ОАВнинг фуқаролик институтлари тизимидаги роли ва мавқеини янада кучайтириш борасида соҳа қонунчилиги тизимида олиб борилаётган ислохотлар; хусусан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очилганлиги таъминлаш, оммавий ахборот воситаларининг молиявий барқарорлиги ва иқтисодий эркинлигини мустаҳкамлаш, улар фаолиятига илғор ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилишга қаратилган қонунчилик базасининг тақомиллаштириш борасидаги ҳақиқат сўз юритилиши.

— Фонд томонидан журналистларни соҳаларга ихтисослаштириш ҳамда малакасини ошириш бўйича қўллаб-қувватлаш амалга оширилмоқда, — дейди Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди бош мутахассиси Дилноза Қаюмова. — Мисол тариқасида айтиладиган бўлса, 2010 йилдан буён 400 дан ортиқ ҳудудий журналистлар малакасини ошириш лойиҳаси бўйича ўз билим ва кўникмаларини орттирдилар. Марказий нашрлардаги журналистларнинг соҳаларга ихтисослаштириш бўйича 2010 йилдан бошлаб ҳозирга қадар 250 дан ортиқ журналистлар турли соҳаларга ихтисослаштирилди. Бундан қўзланган мақсад, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни жамоатчиликка кенг ва таҳлилий тарзда етказиш мақсадида журналистларнинг ўз ёндашувлари билан ёзилган материалларини сон ҳамда сифат жиҳатидан оширишдир. Навбатдаги лойиҳада Бухоро ва Навоий вилоятларидан келган журналистлар турли семинар-тренингларда иштирок этишда ҳамда марказий нашрларда малака ошириш имконига эга бўлишди. Бугунги семинарда журналистларга фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ОАВнинг олдида турган вазифалар ва журналист масъулияти ҳақида мутахассислар томонидан нафақат маълумотлар берилмоқда, балки уларга амалий тақлифлар билдирилмоқда. Тадбир давомида миллий ОАВ томонидан эркин фаолият юритишлари учун яратилган имкониятлардан оқилона фойдаланиш, журналистларнинг касбий фаолиятини амалга оширишларида, хусусан, ҳар қандай долзарб масалани кўтариб чиқишда журналист одоб-ахлоқ этикасига риоя этиш масаласи ҳам ўртага ташланди.

Ўз маърузалари билан иштирок этган соҳа вакиллари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 27 июнь — Матбуот ва

Анжуманлар

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ОАВНИНГ РОЛИ

ОАВ ходимлари кун муносабати билан йўллаган байрам табригида журналистлар олдида қўйилган янги вазифалар масъулияти замирида журналистларнинг бугунги тезкор даврдаги роли, журналистнинг фуқаролик позицияси ва касбий фаолиятини янада такомиллаштириш, журналистларда танқидий-таҳлилий фикрлашни шакллантириш, ижодий фаолиятга янги ёндашувларни жорий этиш фурсати етиб келганлигига эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлашди.

Семинарда кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида ОАВнинг роли ва аҳамиятини янада мустаҳкамлаш бораберида, жамоатчиликни, аниққас ёш авлоднинг турли кўринишларидаги маънавий таҳдидлардан, ахборот хуружларидан ҳимоя қилиш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топтиришдаги масъулиятини ошириш, бу хусусдаги тажрибаларини бойитиш мақсадида замонавий усуллардан фойдаланиш ҳақида экспертлар томонидан аниқ тақлиф ва тавсиялар берилди. Журналистларни қизиқтирган саволларга жавоблар қайтарилди.

Зиёда РАСУЛОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI XUSUSIYLASHTIRISH, MONOPOLIYADAN CHIQARISH VA RAQOBATNI RIVOJLANTIRISH DAVLAT QO'MITASI



ISHONCH TELEFONI: 233-09-39

ЁШЛАР МУТАХАССИСЛИГИ БЎЙИЧА ИШГА ЖОЙЛАШМОҚДА

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда касб-хунар коллежларида таълим сифати ва самардорлигини ошириш, «корхона – коллеж» ҳамкорлигини мустаҳкамлаш борасида қўрилаётган изчил чора-тадбирлар коллеж битирувчиларини иш билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳар бир коллеж битирувчиларининг иш жойини олдиндан белгилаш, ўқувчиларнинг амалиёт ўташини сифати ташкил этиш, уларни аниқ иш жойига бериштириш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Буни Тошкент вилояти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Жорий йил вилоятдаги касб-хунар коллежларини 38,2 мингдан зиёд йигит-қиз тамомлади. Уларни тулқин ва ўз вақтида ишга жойлаштиришга алоҳида эътибор қаратилиб, коллеж, иш беришни ва битирувчи ўртасида уч томонлама шартномалар тўзилаётди. Маълумотларга кўра, ҳозиргача битирувчиларнинг тўқсон фолидан кўпроги ана шундай шартнома имзоланган.

Янгиёул тиббиёт коллежидида тўққиз юз нафардан зиёд ўқувчи ҳамширалик, даволаш ва стоматология йўналишлари бўйича ўқиниш тамомлади. Чинозлик Шайхон Аҳмаджонова ушбу таълим муассасасининг ҳамширалик иши йўналиши бўйича ўқиди. Уни ўзи яшаб турган ҳудуддаги «Хумон шох фазл» фермер хўжалигига ҳамшираликка тақлиф қилишди.

— Мамлакатимизда ёшларнинг замонавий шарт-шароитларда таълим олиши, ўқиб ва ишга жойлашгани, ҳаётда ўз ўрнини топиши учун катта эътибор ва ғамхўрлик кўрсатишмоқда, — дейди Ш.Аҳмаджонова. — Биз, ёшлар бунга жавобан астойдил ўқиб-изланишимиз, меҳнат қилишимиз ва шу орқали юртимиз равнақига муносиб хисса қўлишимиз зарур.

Қўрайлик Наргиза Маликова тумандаги молия-иқтисодий коллективнинг ҳисобчилик йўналиши бўйича ўқиниш тутатди. Уч томонлама шартнома шартномага биноан энди у «Баҳодир агро омад» фермер хўжалигида ҳисобчи вазифасида ишлайди.

— Коллежимизни бу йил 355 нафар йигит-қиз битирди, — дейди Қўрай молия-иқтисодий коллежи директори Мухтор Вафоев. — Молия, солиқ, ҳуқуқшунослик, информатика, банк иши ва ҳисобчилик йўналишлари бўйича ўқиниш тамомлаётган ёшларимизнинг бандчилигини таъминлашга жиддий эътибор қаратмоқдамиз. Ҳозиргача битирувчиларнинг асосий қисми корхона ва ташкилотларга ишга жойлаштирилган бўлиб, уч томонлама шартнома имзолади.

Мутахассислар тайёрлашда жойлардаги меҳнат бозоридида талаб, ота-оналар ва ёшларнинг қизиқиши ва аҳолининг ўрганилиши, коллеж ўқувчиларини кейинчалик иш билан таъминлаш осон кечади. Вилоятдаги касб-хунар коллежларининг ихтисослашуви ўзгартирилаётганда бу ҳисобга олинмоқда.

Шу боис 2013/2014 ўқув йилида вилоят корхона ва ташкилотлари, кичик бизнес субъектларининг ривожланиши, касб-хунар коллежларининг педагог-кадрлар ва моддий-техник базаси таъминланганлиги даражаси, ташкил этиладиган янги иш ўринлари, мутахассисликларга бўлган эътиҳоддан келиб чиқиб, айрим касб-хунар коллежларининг йўналишларини ўзгартириш чоралари қўрилаётди.

Жорий йилда Ангрен педагогика коллежи — Ангрен педагогика ва хизмат кўрсатиш, Ангрен компьютер ва ахборот технологиялари коллежи — Ангрен ахборот технологиялари ва саноат, Қуйи Чирчиқ саноат ва хизмат кўрсатиш коллежи — Қуйи Чирчиқ агро-саноат ва хизмат кўрсатиш коллежига айлантирилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 16 майда қабул қилинган «2013/2014 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларига қабул тўғрисида»ги қарори иқроси доирасида 2013-2014 ўқув йилида вилоятдаги олтинчи саккизта коллежда 59 касб бўйича мутахассислар тайёрлаш бошланади. Жумладан, Бекобод шаҳар саноат коллежидида машинасозлик тизимлари ва дастхонлик жиҳозларини монтаж қилиш, соғлаш, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш механизми, Олмалик қончилик коллежидида темир йўлларга техник хизмат кўрсатиш бўйича механизм, Ангрен кимё саноати коллежидида коммунал хўжалиги объектларидан фойдаланиш бўйича техник, шамоллатиш тизими ва жиҳозларини монтаж қилиш ва таъмирлаш устаси каби мутахассисликлар очилади.

Бундан қўзланган асосий мақсад малакали мутахассислар тайёрлаш самардорлигини ошириш, коллеж битирувчиларини келажақда ўз касби бўйича иш ўринлари билан таъминлаш, шаҳар ва туманларда кадрларга бўлган эҳтиёжни тўла қондиришдан иборатдир.

Х.САЛИМОВ,
ЎЗА мухбири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ очик аукцион савдоларига тақлиф этади!

«Capital Realtor Group» МЧЖда 2013 йил 6 август кунини соат 11:00 да бўлиб ўтадиган объект бошлангич баҳоси ошиб бориш тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдосига қўйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

I. Юнусобод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судининг 2013 йил 22 апрелдаги 1-274-2565/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Саида Зуннунова кўчаси, 2-уйда жойлашган, умумий майдони 491,15 м.кв. бўлган турар жой савдога қўйилган. Бошлангич нархи — 49 750 000 сўм.

II. Сергели тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Фуқаролик ишлари бўйича Яқкасарой туманлараро судининг 2013 йил 18 февралдаги 1-446/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Сергели-6 мавзеси, «Дехон бозори» ҳудудида жойлашган, умумий майдони 85,0 м.кв., 3 хонадан иборат, икки қаватли бионинг 2-қавати бир қисми бўлган 15- ва 16-сонли савдо дўконлари савдога қўйилган. Бошлангич нархи — 50 000 000 сўм.

III. 2013 йил 23 июль кунини соат 11:00 да бўлиб ўтадиган очик аукцион савдоларига Миробод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Фуқаролик ишлари бўйича Андижон туманлараро судининг 2012 йил 10 майдаги 1-1524/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Парвона кўчаси, 44 «А»-уйда жойлашган, умумий ер майдони 1387 м.кв., бионинг умумий майдони ҳозирги кунда 570 м.кв. (кадастр бўйича 662 м.кв., 92 м.кв. қисми бузиб ташланган), 18 та хона, 2 та йўлакдан иборат бўлган битта маъмурий бино савдога қўйилган. Бошлангич нархи — 100 000 000 сўм.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар кунини (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 18:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш кунини қолганда соат 18:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида катнашиш истигади бўлган талабгорлар кўчмас мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закатат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Capital Realtor Group» МЧЖ нинг «Капиталбанк» ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: № 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662. Аукцион қолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк кўни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Қўшбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: (8371) 250-19-24. Лицензия: № RR-0017.

ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси ойнанинг ҳар биринчи ва учинчи шанба кунлари соат 10:00 дан 12:00 гача Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, Навоий кўчаси, 2а-уй манзилида жойлашган бинода тадбиркор субъектларининг фаолиятига қулай шароитлар яратиш мақсадида **«Очиқ эшиклар кунини»** ўтказилишини маълум қилади.

БОШҚАРМА МАЪМУРИЯТИ

Ҳурматли юртдошлар!

«Ўзбекистон» дам олиш-соғломлаштириш акциядорлик жамияти Сизларга Кисловодск (Россия) ва Ялта (Украина) шаҳарларида жойлашган «Ўзбекистон» дам олиш-соғломлаштириш сиахатгоҳларида табиат қўйида хордик чиқариб, соғлигингизни тиклаб олишни тақлиф қилади.

Бизнинг манзил: Тошкент ш., С. Азимов кўчаси, 65-уй.

Телефонлар: 233-55-18, 232-67-13, 233-64-92.

Тошкент шаҳри, Яқкасарой тумани, Б.Хилолий 3-тор кўчаси, 90-уйда яшовчи Хамдамова Дилшода Юсуповнага тегишли бўлган уй кадастр ҳужжатлари ва уй дафтари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Висол кўчаси, 57-уйда яшаган Курбонов Норматга тегишли бўлган уй кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент Давлат аграр университети томонидан 1993 йил март ойида Ҳўжакулова Зулфия Базаровна номига берилган 1689 рўйхат рақами, ШВ №631750 сонли дипломи йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кунини соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 223-хона.

Спорт янгилликлари

ЁШЛАРИМИЗ — ЧОРАК ФИНАЛДА

Кеча нимчорак финалнинг Ўзбекистон-Греция ёшлар терма жамоалари ўртасидаги учрашуви бўлиб ўтди.

Уйин тафсилотида тўхталишдан аввал шуни таъкидлаш лозимки, ҳамюртларимиз «F» гуруҳида учинчи ўрин билан кифояланишган бўлишса, грециялик чарм тўп ус-талари «D» гуруҳида биринчи ўрин соҳибига айланишган эди. Дарвоқе, Греция Европа чемпионати-нинг кумуш медали совриндори сифатида жаҳон чемпионатида қатнашаётганлиги ҳам Аҳмаджон Мусаев шогирдларидан ўта эҳтиёткорлик билан майдонда ҳаракат қилишни талаб этарди. Аммо, шу кунгача ёшлар ўртасида ташкил этилган жаҳон чемпионатларида ҳамюртларимиз қатнашган бўлишса, грецияликлар бу нуфузли турнирда ilk марта тўп суришаётганини ҳам эсдан чиқармаслик лозим.

Учрашувнинг дастлабки дақиқаларидан европаликлар устунлики ўз томонларига огдиришга ҳаракат қилишди. Биринчи бўлимнинг йигирманчи дақиқаларига қадар Омонов дарвозаси олдида бир нечта хавфли ҳужумлар уюштирилди. Бу сафар ҳимоячиларимиз бе-хато ўйнашга интилишди. 26-дақиқада жамоадошлари бошлаган ҳужумни Махсигалиев самарали яқунлаб, рақиб дарвозасини куч-

Футбол мухлисларига маълумки, ёшлар ўртасида Туркияда ўтказилаётган жаҳон чемпионатида юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган Аҳмаджон Мусаев бош мураббийлигидаги Ўзбекистон терма жамоаси гуруҳ баҳсларида муваффақиятли қатнашиб нимчорак финалда ўйнаш ҳуқуқига эга бўлганди.

ли зарба билан аниқ нишонга ола билди — 1:0. Ҳамюртларимизнинг бу хурсандчилиги узоққа чўзилма-ди. 33-дақиқада Стафилидис Омонов дарвозасига пенальтидан гол киритиб орадаги мувозанатни тиклади — 1:1.

Иккинчи бўлимни ҳам Европа қитъаси вакиллари фаоллик билан бошлашди. Бироқ, майдонда тўпни назорат қилиш, тўп билан рақиб дарвозасига ҳужум уюштириш бо-расида устунлик ҳамюртларимизда бўлди. Бу устунлик грекларни ўйин қондасини тез-тез бўзишга, ёш футболчиларимизнинг тезкор ҳужумларини фақат шу йўл билан қайтаришга мажбур этди. Натижа-да иккинчи бўлим ўрталарида греклар дарвозаси томон иккинчи пенальти белгиланди. Игорь Сер-геев зарбани аниқ амалга оши-риб, терма жамоамизнинг 2:1 ҳисобида олдинга ўтиб олишини таъминлади.

Греция терма жамоасининг узил-кесил мағлуб бўлишига сабабчи бўлган учинчи гол ҳам пе-нальтидан киритилди. Бу сафар жарима зарбасини Сардор Раҳмо-нов аниқ амалга оширди.

Хулоса қилиб айтганда, ёшларимиз рақибларини 3:1 ҳисобида мағлуб этиб чорак финалга йўлланма олишди ва ҳозирнинг ўзидаёқ кучли саккизликка кириш-ди. Бу ёшлар терма жамоамиз та-рихига зарҳал ҳарфлар билан ёзи-лиши аниқ. Чунки ёшлар терма жа-моамиз аввал ҳам жаҳон чемпио-натида иштирок этган бўлсада, гуруҳ баҳсларининг ўзида мағлу-биятга учраб муңдалини муддати-дан олдин тарк этишган эди. Шу боис Туркиядаги жаҳон чемпиона-ти чорак финалида иштирок этадиган Мусаев шогирдларига кейинги баҳсларда ҳам омад ёр бўлсин дейимиз.

Ақбар Йўлдошев

Мамлакат XXII миллий чемпионатининг профессионал футбол лигаси жамоалари ўртасида уюштирилган 12-турнинг марказий баҳси «Пахтакор» стадионида кечди.

КИМ ҒОЛИБ БЎЛАДИ?

Унда мамлакатимизнинг амалдаги чемпиони «Пах-такор» ҳамда Ўзбекистон Ку-боги соҳиб «Бунёдор» жа-моалари ўзаро кун синашди.

Очиғини айтганда, «Тош-кент дербиси» номини олган ушбу баҳс қизиқарли кечма-ди. Сабаби, деярли етакчи футболчиларсиз майдонда ҳаракат қилаётган «Пахтакор» «Бунёдор»га барча вазият-ларда имкониятни бой бериб қўйди. Майдонда тўпик устун-лик қилган Миржалол Қоси-мов шогирдлари мезбонлар дарвозаси олдида кўплаб хавфли вазиятларни содир этишди ва ўйинни 2:0 ҳисо-бида ўз фойдаларига ҳал эта олишди. Жорий йилги мав-сумда тўртинчи мағлубияти-ни тан олишга мажбур бўла-ётган пахтакорчилар тўртин-чи ўринга тушиб кетишди. Ачинарлиси, энди «Пахтакор» учинчи ўринда бораётган «На-саф»дан тўрт очко ортда қол-моқда.

Жорий йилги мавсумда фақат чемпионлик учун ҳаракат қилаётган «Локомо-тив» бу сафар ўз майдони-да «Олмалик» жамоасини 1:0 ҳисобида мағлуб этди ва муҳим очколарни қўлга киритди. Гол муаллифи эса тўпурарлар рўйхатини бошқариб бораётган Фарҳод Тоҳиев.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Динамо» — «Шўртан» — 2:1, «Нефти» — «Навбахор» — 2:0, «Металлург» — «Бухо-ро» — 2:1, «Сўғдиёна» — «Гулистон» — 2:0, «Насаф» — Қўзилқум» — 7:1.

Албатта, яна битта турдан сўнг жамоалар биринчи дав-рани яқунлашади. Шундоқ бўлсада, айтиш жоизки, чем-пионлик учун асосан «Бунёд-кор» ва «Локомотив» жамоа-лари даъвогарлик қилиша-ди. Қайси жамоага чем-пионлик насиб этишини вақт кўрсатади.

Кўргазмалар

БОРЛИҚНИ АНГЛАШ САРИ

Пойтахтимизнинг Миллий санъат марказида ёш ўзбек рассомлари Екатерина Ляпина ва Давлат Абдуганиевнинг асарлари кўргазмаси очилди. Кўргазмани Фонд Форум, «IJO» Ўзбекистон рассомлари, санъатшунослари ва халқ ўсталари уюшмаси ҳамда Миллий санъат маркази ҳамкорлиқда ташкил этишди.



Кўргазмага Екатерина Ляпинанинг картина ва инсталляциялари, Давлат Абдуганиевнинг хайкал-тарошлик намуналаридан кейинги бир неча йил ичида ишланган 40 га яқин асарлари қўйилган.

Екатерина Ляпина 1986 йилда Тошкент шаҳри-да туғилган. Миллий рақс ва хореография олий мактаби ва Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида тахсил олган. 2009 йилдан халқаро ва республикамиз миқёси-даги кўргазмаларнинг фаол иштирокчиси 2012 йилда

туркум асарлари билан «Навқирон Ўзбекистон» фестивалида совриндор бўлган. У ижодада ўз йўналиши, услубига эга. Намойишга қўйилган асарларида йилмиш фасллар, табиатнинг турли ҳолатлари акс этган қатор асарлари билан бир қаторда, шунингдек, аёл ва эркаклар портретлари бир-бирини тўлдирган. Янги кўргазмадан мусав-виннинг «Менинг Хиндистоним», «Севги», «Эски ша-ҳар», «Бирга», «Рақс» каби асарлари ҳам жой ол-ган.

Давлат Абдуганиев 1982 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида тахсил олган. Республикаимиз миқёсидаги кўргазмалар иштирок-чиси. Экспозицияда унинг «Шаршара», «Оналик», «Булоқ», «Фаришта» каби ўнлаб асарларидан мухли-су мутахассислар баҳра олишмоқда.

Хасан АБДУНАЗАРОВ
СУРАТДА: кўргазмадан лавҳа
Алексей Попов олган сурат

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога қўйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда: 1. Чилонзор тумани СИБ томонидан 29.08.2012 й. № 1-549/12-сонли ижро ҳужжати асосан Тош-кент шаҳар, Чилонзор тумани, 36-уй, 1-хонадонда жойлашган офис. Бош-ланғич баҳоси 98 155 900 сўм. 2. Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан 05.04.2012 й. № 11338-39/25-сонли ижро ҳужжати асосан Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Сирдарё кўчаси, 45-уй. Бошланғич баҳоси 175 003 300 сўм. 3. Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан 30.04.2013 й. № 45371/12-сонли ижро ҳужжати асосан Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғ-бек тумани, Олмачи кўчаси, 1-проезд, 13-хонадон. Бошланғич баҳоси 171 167 130 сўм. 4. Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан 30.04.2013 й. № 45371/12-сонли ижро ҳужжати асосан Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Олмачи 1-тор кўчаси, 4-хонадон. Бошланғич баҳоси 195 582 240 сўм. 5. Ўртачирчиқ тумани СИБ томонидан 27.05.2011 й. № 3049-сонли ижро ҳужжати асосан Ўртачирчиқ тумани, Ўзбекистон қ.ф.й., Эвалек маҳал-ласи, О.Шарофуддинов кўчаси, 172-уй. Бошланғич баҳоси 35 000 000 сўм. 6. Бекобод тумани СИБ томонидан 05.12.2011 й. № 24069-сонли ижро ҳужжати асосан Бекобод тумани, Шова маҳалласида жойлашган уй-жой. Бошланғич баҳоси 183 252 855 сўм. 7. Зангиота тумани СИБ томонидан № 11379/24-сонли ижро ҳужжати асосан Зангиота тумани, «Бест Плюс сервис» х/к ҳудудида жойлашган 2-сонли савдо дўкони, 2-блок. Бошланғич баҳоси 67 847 400 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 19 июль кун соат 11:00 да бўлиб ўтади. 8. Чилонзор тумани СИБ томонидан 21.02.2013 й. № 1-398/12-сонли ижро ҳужжати асосан Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Наққошлик кўчаси, 5-уй, 1-хонадон, 4-қаватли уйнинг 1-қавати. Бошланғич баҳоси 82 853 811 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 5 август кун соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юридаги мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлар-дан аризаларни ҳар кун (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланғичига бир иш кун қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истигади бўлган талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқ-доридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақаи ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖнинг «Ипотека банк» АТИБ Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлар-ни шарт: № 2020 8000 3049 3605 0001, МФО: 00425, СТИР: 207 125 885. Аукцион қолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк кунли мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-дахда, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (8371) 212-89-55. Лицензия: RR-0052

Саховатли табиат жамики жонивор ва инсонларни неъматлари билан баҳраманд этади. Наботот оламида ажиб табиат намуналари борки, уларни таърифласак, суҳбатимизнинг интиҳоси бўлмайди.

Наботот ажойиботлари

ҚАНДОЛАТ ДАРАХТИ

Жумрутдошлар оиласига мансуб қандолат дарахти мав-жуд. Унинг илмий атамаси «Хо-вения дулицси» бўлиб, ватани Хитой ҳисобланади. Мазкур дарахтнинг бўйи 20 қўлоча бо-риши мумкин. У ёввойи ҳолда Хиндистон, Корея ва Япония-да учрайди.

Қандолат дарахтининг мева-лари нўхат катталигида бўлиб, унинг йўғонлашган меваси бан-диде конфетдай ширин бўлади. Дарахтнинг ҳўл мевалари тар-кибида 25 фоизга қадар қанд моддаси бор. Мевалар одатда кеч кузга бориб етилиди.

Қандолат дарахти нафақат лаз-затлиги билангина эмас, балки шифобахшлик борасида ҳам азияланади. Мева банди исти-робли кўкс, астма (нафас қис-иш)га даволик қилади.

Қизиги шундаки, қандолат дарахтининг мева банди киши-ни тетиклаштирувчи хусусият-га ҳам эга.

Ява оролидаги Пангранго тоғларида ўсвчи қирол наврўзгули айни ер қимирлаши олдида чаман бўлиб гуллади.

НАВРЎЗГУЛ ГУЛЛАДИ

Буни кўрган ёки хабардор бўлган маҳаллий аҳоли наврўзгулнинг гўзаллигидан завқланиш ўрнига, зудлик билан мол-мулкни асрашга ҳаракат қилиб қолади.

Биологларнинг айтишига қараганда, наврўзгул-нинг бу ажиб хислати ер қаъридан келаётган ульт-ратравушлар ўсимлик тўқимаси капилярларига са-марали таъсир кўрсатади, у кескин равишда қилто-мирдаги суюқликларнинг фаолиятини тезлаштириб, моддалар алмашинувини кучайтириб юборади.

Маннон НАБИЕВ,
доришунос олим

Мустақиллик фарзандлари

БЎЛАЖАК ЧЕМПИОНЛАР МАСКАНИ

Мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида спортни ривожлантириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Энг юксак даражадаги халқаро мусобақаларда Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир теннисчиларни тайёрлаш ва уларнинг спорт маҳоратини такомиллаштириш мақсадида давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 29 апрелда қабул қилинган «Республика олимпия заҳиралари теннис мактабини ташкил этиш тўғрисидаги Қарори»га мувофиқ Тошкентда Республика олимпия заҳиралари теннис мактаби ташкил этилди. Мактаб директори Самиг ОБИДОВ Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА мухбирига мактаб фаолияти ва ўқувчиларнинг ютуқлари ҳақида сўзлаб берди.

— Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ниманики ўз олди-мизга мақсад қилиб қўймайлик, қандай буюк ишларни амалга оширишга интилайлик, барча олимжон ҳаракатларимизнинг негизиде, барча эзу ниятларимизнинг замирида фарзандлари-мизни жисмонан ва маънан соғлом этиб тарбиялаш муҳас-самдир, — дейди С.Обидов. — Мамлакатимизда бунинг учун барча шарт-шароит яратилмоқда. Республикаимизнинг барча ҳуду-дида замонавий спорт комплекслари, ихтисослаштирилган спорт мактаблари, сузиш ҳавзалари қурилиб, спорт инвентарлари билан жиҳозланган. Ҳар бир ўқув юртида спорт зали ва май-донлари мавжуд. Бугунги кунда болалар спорт объектиларида фаолият кўрсатаётган 57,5 мингдан ортиқ спорт секциясида 1,8 миллион нафардан зиёд ўғил-қиз шугулланмоқда.

Мамлакатимизда спорт ўсиб келаётган ёш авлод ҳаёти-нинг ахрлими қисмига айланиши учун нечоғли улкан ғамхўр-лик кўрсатилаётганини Президентимиз Ислам Каримов та-шаббуси билан ташкил этилган биргина бизнинг мактабимиз мисолида ҳам кўриш мумкин.

Республика олимпия заҳиралари теннис мактабига умум-таълим мактабларининг 4-синфини тамомлаган ўғил-қизлар қабул қилинади. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан тасдиқланган, Ўзбекистон Тен-нис федерацияси ҳузурдаги Республика мураббийлар кенга-ши вакилларидан таркиб топан қабул комиссияси болалар-нинг нафақат жисмоний тайёргарлиги, балки теннис ўйнаш қобилиятини ҳам синаб кўради.

Бундан ташқари, бу ердаги тайёрлов гуруҳларида болалар беш ёшдан бошлаб теннис билан шугулланмоқда. Мактабда-ги мавжуд катта спорт комплексида «хард» қопламали 13 очик ва учта ёпик корт, тўртта очик грунт қопламали корт, иккита машғулот зали бор. Шу сабабли мактабимиз базасида нафақат болалар, балки танкили спортчилар ҳам машқ қи-лади. Чунки, бизнинг базамиз теннисчиларни олимпия ўйинла-рига тайёрлаш бўйича асосий комплекс ҳисобланади. Мак-табнинг 53 нафар тарбияланувчиси тўрт маҳал иссиқ оқват, спорт кийимлари тўплами, зарур инвентар ва ётоқхона билан таъминланган.

Тарбияланувчиларимиз халқаро ва республика мусобақа-ларида муносиб катнашмоқда. Гузал Юсупова теннис бўйича республика чемпионатида яқкалик баҳси финалида иштирок этди. Жорий йилда Республика олимпия заҳиралари теннис мактаби соврини учун ўтказилган ўсимлар очик турнирида Азизхон Тургунов, Темур Соттимов, Аҳдхон Эрматов, Шоҳ-рух Абдумаликов, Донохон Валихонова голиб бўлди. Бундан ташқари, Азизхон Тургунов жорий йилнинг март ойида Ўзе-бекистон ўсимлар терма жамоаси таркибиде Филиппинда ўтган 14 ёшгача бўлган болалар ўртасида Осиё чемпионатида қат-нашди. Апрель ойида Азизхон Тургунов, Хумоюн Абдумаликов, Сарвиноз Бакирова ўсимлар терма жамоаси таркибиде Ма-лайяда, Гузал Юсупова эса Жанубий Кореяда бўлиб ўтган Жаҳон кубоги мусобақаларида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилди.

Мактабимизнинг энг истикболли битирувчилари ҳар йили Ўзбекистон миллий терма жамоаси сафига қўшилмоқда. Улар орасида Сабина Шарипова, Темур Исмоилов, Абдуворис Саидмуҳаммадов, Санжар Файзиев каби иктидорли спортчи-лар бор. Мактабимиз базасида мамлакатимиз терма жамоаси машғулотлар ўтказиётгани боис ёш теннисчилар уларнинг таърибасини ўрганиш имконига эга бўлмоқда.

Ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясига ҳам катта эъти-бор қаратилмоқда. Мамлакатимиздаги танкили мураббий ва спортчилар билан учрашувлар мунтазам йўлга қўйилган.

Мамлакатимиз раҳбариятининг доимий қўллаб-қувватла-ши натижасида теннис мактаби ривожланиб, истеъдодли ёш спортчиларни тарбиялаш учун имкониятлар кенгаймоқ-да. Айни пайтда иккита ёзи теннис кортини кўча қоплама билан қоплаш учун тайёргарлик ишлари олиб боришмоқда. Бу эса ушбу кортларда қишда ҳам шугулланиш имконини беради.

Буй йил мактабимиз базасида WTA Tour «Tashkent open — 2013» ва «Tashkent Challenger — 2013» халқаро турнирлари, Ўзбекистон Республикаси теннисни ривожлантириш қўллаб-қувватлаш жамағармаси соврини учун «Олимпия умидлари» турнири ўтказилиши мўлжалланмоқда.

Спортчиларимиз, жумладан, теннисчиларимизнинг спортда эришавтган ютуқлари халқаро майдонда Ўзбекистон нуфузини тобора оширишмоқда. Спорт билан шугулланиш нафақат жисмо-нан ривожланиш ва саломатлигини мустаҳкамлаш, балки ўсиб келаётган ёш авлоднинг дунёқарабини кенгайтириш, уларда ирода, ғалабага интилиш, қатъият, қийинчиликларни енгиб ўтиш, бир жамоа бўлиб ҳаракат қилиш каби фазилатларни шакллантиришга ёрдам бермоқда. Буларнинг барчаси ёшлар-имизга ўз салоҳиятини рўйбга чиқариш имконини бераётди. Шунинг учун Ўзбекистонда болалар спортни ривожлантириш баркамол авлоднинг тарбиялаш жараёнининг узвий қисмига ай-ланиб бормоқда.

Ирина ДОЛЕНКО
ёзиб олди



ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 4 июль кун ҳаво бир оз ўзгариб турди, ёнқаришлик бўлмади. Фарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 19-21, кундузи — 33-35 дара-жа иссиқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 4 июлда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳи-тида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди. Атмос-феранинг ифлосланиш дара-жаси 1-3 фоз пасайиши тахмин қилинмоқда, таг-модори паст бўлади.



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Манзиллими: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32



Бизнинг электрон манзил:
vto2007@mail.uz
Буюртма Г. 741

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар. 233-28-95,
факс: (371) 232-11-39

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан руйхатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди.
9220 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Топириш вақти: 13.00

Нашри етказиб бериш масапалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Ақмал АҚРОМОВ

Босишга топирилди: 14.40